

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ БД 5112000-3.13
2012 йил «__» _____

Вазирликнинг 2012 йил “____”
_____даги “____”-сонли
буйруғи билан тасдиқланган

ТУРИЗМ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000 – гуманитар
Таълим соҳаси:	110000 – педагогика
Таълим йўналиши:	5112000 – Жисмоний маданият

Тошкент – 2012

Фан дастурининг шакли Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2012 йил « ____ » _____ даги « ____ » -сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат педагогика университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Туленова. Х.Б. - «Жисмоний тарбия методикаси ва болалар спорти» педагогик фанлар номзоди, доцент

Такризчилар:

Комилов Ж.К. - Гулистон давлат университети «Жисмоний тарбия ва спорт» кафедраси, педагогика фанлари номзоди

Мирахмедов Ф.Т. – 1-Тошкент педагогика коллежи «Жисмоний тарбия ва болалар спорти» бўлими бошлиғи

Фаннинг ўқув дастури Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети илмий-методик кенгашида тавсия қилинган (2012 йил « ____ » _____ даги ____ -сонли баённома)

Кириш

Ушбу ўқув дастури “Жисмоний маданият” таълим йўналишининг талабалари учун мўлжалланган бўлиб, “Туризм ва уни ўқитиш методикаси” ўқув фани сифатида бакалаврларни жисмоний тарбия ўқитувчисини касбий фаолиятига назарий ва амалий тайёрлашни таъминловчи соҳанинг ўрганиш фани ҳисобланади. Шунингдек, туризм ҳақида умумий тушунчалар ва уларнинг пайдо бўлиши, жисмоний тарбия тизимида турзмнинг моҳияти ва ўрни, туризмнинг меъёрий дастури (Алпомиш ва Барчиной меъёри) ва ташкилий асослари тавсифи, туризмда техника ва тактика, туризмда Ўзбекистон Республикасида ўлкашунослик ва туристик тушунчалар, табиатни муҳофаза қилиш, туризм элементлари бўйича оммавий тадбирлар ва мусобақалар ҳақида маълумотларини камрайди.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга туризм ва уни ўқитиш методикасини курсининг турли билимлари, асосий мазмунини тушунтириш, туризмнинг форма ва методлари, туристик походларни ташкил қилиш, керакли назарий билимни эгаллаш ва амалда уларни қўллай билиш маҳоратини ўрганиш.

Фанни вазифаси - туристик походларда спортча чамалаб топиш, туристик тадбирларни ташкил қилиш усуллари, туристик саёхатларга тайёрланиш ва унга керакли бўлган жихозлар, озик –овкатлар, дори-дармонлар ҳамда шикастланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тадбирлари, топографик ва шартли белгилар билан талабаларни таништириш. Шунингдек, ўлкани ўрганиш, жамоат жойларда фойдали хизматлар кўсатиш, табиатни муҳофаза қилиш ишларини олиб боришга доир материалларидан фойдаланиш.

Мустақил Ўзбекистонда туризм халқаро аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-маданий, сиёсий, иқтисодий ва тарбиявий жараён сифатида мавжуддир. Мамлакатнинг географик шароити ва ижтимоий-маданий, иқтисодий тузилмалари асосида туризм икки йўналишга (ички ва халқаро туризм) ажратилган. Улар асосан сайр (экскурсия) ва саёхатлар (пиёда ва турли уловларда юриш) шаклида олиб борилиши кўзда тутилади.

Бир кунлик (кўп кунлик) туристик саёхатни ташкил қилиш ва ўтказиш, унда кўрсатилган масофани пиёда юриб ўтиш, туристик техникага доир мусобақалар ташкил қилиш, топографиядан турли машғулотлар ўтказиш, маршрут схемаларини ишлаш қонун-қоидаларини ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Жисмоний маданият” таълим йўналишининг талабалари «Туризм ва уни ўқитиш методикасини» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- туризм ҳақида умумий тушунчалар;
- туризмнинг пайдо бўлиши,
- жисмоний тарбия тизимида турзмнинг моҳияти ва ўрни;
- туризмнинг меъёрий дастури ва ташкилий асослари тавсифи;
- туризмда техника ва тактика;
- туризмда Ўзбекистон Республикасида ўлкашунослик ва туристик тушунчаларини *билиш керак*;

Кўникма - талабалар туризмнинг форма ва методлари, туристик походларни ташкил қилиш, туристик походларда спортча чамалаб топиш, туристик тадбирларни ташкил қилиш усуллари, туристик саёхатларга тайёрланиш ва унга керакли бўлган жихозлар, озик – овкатлар, дори-дармонлар ҳамда шикастланганда биринчи тиббий ёрдам

кўрсатиш тадбирлари, назорат меъёрларни (Алпомиш ва Барчиной тест меъёрларни) олиш, топографик ва шартли белгиларни аниқлаш *кўникмаларига эга бўлиши керак*;

Малака - талабалар ўлкани ўрганиш, жамоат жойларда фойдали хизматлар кўсатиш, табиатни муҳофаза қилиш ишларини олиб боришга доир материалларини ўрганиш. Бир кунлик (кўп кунлик) туристик саёхатни ташкил қилиш ва ўтказиш, унда кўрсатилган масофани пиёда юриб ўтиш, туристик техникага доир мусобақалар ташкил қилиш, топографиядан турли машғулотлар ўтказиш, маршрут схемаларини ишлаш лойihalаш *малакаларига эга бўлиши керак*;

Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма – кетлиги

Туризм ва уни ўқитиш методикаси фани асосий умумқасбий фан ҳисобланиб, 4 - семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида берилган умумий психология, умумий педагогика, ўқитувчи нутқ маданияти, жисмоний маданият назарияси ва методикаси, спорт тиббиёти-ДЖМ ва ЖТ гигиенаси, жисмоний машқлар физиологияси ва биомеханикаси, гимнастика ва уни ўқитиш методикаси, енгил атлетика ва уни ўқитиш методикаси, спорт ва ҳаракатли ўйинлар ва уни ўқитиш методикаси, жисмоний маданият тарихи ва бошқариш, сузиш ва уни ўқитиш методикаси, спорт психологияси мактабгача ва бошланғич таълимда спорт турлари спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш ва ҳакамлик қилиш каби фанлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишликни талаб этади.

Фаннинг таълимдаги ўрни

Туризм ва уни ўқитиш методикаси фани мутахассислик фан бўлиб, бўлажак жисмоний маданият бўйича мутахассис кадрларга туризм курси бўйича тўлиқ билим беради. Инсоннинг соғлом бақувват билимдон бўлиб ривожланишига ўргатади, жисмоний сифатларини тарбиялашга, такомиллаштиришга кўмаклашади, шунингдек, уларнинг билими ҳаракат кўникма ва малакаларини шакллантиради. Шу муносабати билан жисмоний маданият ва спорт бўйича чиқарилган давлат деректив хужжатларга жавоб беришида етакчи роль ўйнайди.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг туризм ва уни ўқитиш методикаси фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усуллардан фойдаланиш, янги инновацион – педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлардан ва спорт жиҳозларидан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларига мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

Асосий қиси

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Жисмоний тарбия тизимда туризмнинг моҳияти ва ўрни

Туризмни ўқитишдаги мақсад ва вазифалар. Туризмнинг тарбиявий соғломлаштириш ва таълимий аҳамияти.

Туризм турларининг классификацияси: сайр қилиш, экскурсия, походлар, тайёргарлик походлари, экспедиция, хаваскорлик саёхатларини аҳамияти.

Туризм турларининг классификацияси ташкил қилиш ва ўтказиш кўникмаларини эгаллайди.

Туризмнинг меъерий дастури ва ташкилий асослари тавсифи

Жисмоний тарбия тизмида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг жисмоний тайёргарлиги, саломатлик даражасини аниқлашда “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тесталари меъерий дастурини ахамияти.

Туризм бўйича разрядлар ва тоифа (категория) қийинчилиги. Саёхатлар сони ва мазмуни. Саёхатларнинг қийинчилик тоифаларини (категорияларини) аниқлаш белгилари. Пиёда юриш туризм. Тоғ туризми (масофалар ҳақида тушунча).

Касб-хунар коллеж, академик лицей, умумтаълим мактабларда туризмнинг ахамияти. Ўлка шунослик ва ижтимоий фойдали ишлар.

Болалар жамоаларида туризмни ташкил қилиш. Туристтик тўгаркларни ташкил қилиш. Туризм ишларини ривожлантириш маълумотларига эга қилиш.

Туризмда техника ва тактика

Техника тушунчаси: пиёда юриш саёхатини ташкил қилиш ва ўтказиш, йўлда юриш қоидалари. Туристтик сайрларни ташкил қилиш ва уни яқунлашда ўқувчининг роли. Сайрларда ҳар хил тадбирларни ўтказиш.

Туристтик сайрларда овқатланиш.

Тиббий кўрик ва шифокор назорати. Жароҳатланганда биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш тадбирлари билан таништириш.

Ўзбекистон Республикасида ўлкашунослик ва туристик тушунчалар, табиатни муҳофаза қилиш

Сайрларда ўлкашунослик ва қидирув ишлари. Метеорологик кузатишлар: Хаво яхши бўлишнинг белгилари.

Об-хаво тузилишининг белгилари, Топографик кузатишлар, Гиологик кузатишлар, ер тузилишининг ўрганиш, Гидрологик кузатишлар, Ботаник ва зоологик кузатишлар, Феналогик кузатишлар, Темир йўл, сув ва хаво йўллари, Дарё ва денгиз йўллари, Табиатни муҳофаза қилиш маълумотларига эга қилиш.

Амалий машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда талабалар турли хил туризм бўйича техник тактик пиёда юриш ҳаракат жараёнларини, турлари бўйича шакли (формаларини) ўтиш, топографик чизма моделларини яратиш ва амалда кўриш ҳамда назорат қилишни ўрганадилар.

Амалий машғулотлар Хумсон худудий дам олиш оромгоҳида ўтказилади.

Амалий машғулотлар қуйидаги маршрутлар бўйлаб:

- Худудий – дам олиш оромгоҳи ва спорт оромгоҳларига маршрут бўйича юришлар ташкил қилиш.

- Бир кунлик ва кўп кунлик туризм сайрларини (походларини) ташкил этиш ва ўтказиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўладилар.

Амалий машғулотларида тавсия этиладиган мавзулар.

1. Туризм тарихи ва уларнинг пайдо бўлиши.

2. Жисмоний тарбия тизмида туризмнинг моҳияти ва ўрни.

3. Туризмнинг ҳозирги кундаги роли ва ахамияти.

4. Жисмоний тарбия тизмида туризмнинг моҳияти ва ёшлар тарбиясидаги ўрни.

5. Туризмнинг меъерий дастури ва ташкилий асослари тавсифи.

6. Туризм элементлари бўйича оммавий тадбирлар ва мусобақалар.

7. Ўзбекистон Республикасида ўлкашунослик ва туристик тушунчалар, табиатни муҳофаза қилиш усулларини ўргатиш.

8. Туризмда техника ва тактикасини ўргатиш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий машғулотлар орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларни

мустахкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, спорт майдонларини кўриш, уларни макетларини тузиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабаларнинг билимини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотларида талабалар туризм бўйича техник тактик пиёда юриш ҳаракат жараёнларини, турлари бўйича шакли (формаларини) ўтиш, топографик чизма моделларини яратиш ва амалда кўриш ҳамда назорат қилиш ҳақида назарий билим, кўникма ва малакаларга эга эканликлари аниқланади.

Семинар машғулотларида қуйидаги маршрут бўйлаб ҳудудий – дам олиш оромгоҳи ва спорт оромгоҳларига маршрут бўйича юришларни топографик чизмалар ёрдамида ишлаб чиқишни ташкил этадилар.

Шунингдек, маъруза машғулотларидаги мавзулар бўйича берилган маълумотларни, бир кунлик ва кўп кунлик туризм сайрларини (походларини) ташкил этиш ва ўтказиш бўйича назарий билим ва малакаларга қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқланади, баҳоланади ҳамда уларни билимлари янада мустахкамланади.

Семинар машғулотларида тавсия этиладиган мавзулар.

Жисмоний тарбия тизимда туризмнинг моҳияти ва ўрни

Туризмни ўқитишдаги мақсад ва вазифалар. Туризмнинг тарбиявий соғломлаштириш ва таълимий аҳамияти.

Туризм турларининг классификацияси: сайр қилиш, экскурсия, походлар, тайёргарлик походлари, экспедиция, хаваскорлик саёхатларини аҳамияти.

Туризм турларининг классификацияси ташкил қилиш ва ўтказиш кўникмаларига эга эканлиги аниқланади ва баҳоланади.

Туризмнинг меъёрий дастури ва ташкилий асослари тавсифи

Жисмоний тарбия тизмида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг жисмоний тайёргарлиги, саломатлик даражасини аниқлашда “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тесталари меъёрий дастурини аҳамияти.

Туризм бўйича разрядлар ва тоифа (категория) қийинчилиги. Саёхатлар сони ва мазмуни. Саёхатларнинг қийинчилик тоифаларини (категорияларини) аниқлаш белгилари. Пиёда юриш туризм. Тоғ туризми (масофалар ҳақида тушунча).

Касб-хунар коллеж, академик лицей, умумтаълим мактабларда туризмнинг аҳамияти. Ўлка шунослик ва ижтимоий фойдали ишлар.

Болалар жамоаларида туризмни ташкил қилиш. Туристтик тўгаркларни ташкил қилиш. Туризм ишларини ривожлантириш маълумотларига эга эканлиги аниқланади ва баҳоланади.

Туризмда техника ва тактика

Техника тушунчаси: пиёда юриш саёхатини ташкил қилиш ва ўтказиш, йўлда юриш қоидалари.

Туристтик сайрларни ташкил қилиш ва уни яқунлашда ўқувчининг роли. Сайрларда ҳар хил тадбирларни ўтказиш. Туристтик сайрларда овқатланиш.

Тиббий кўрик ва шифокор назорати. Жароҳатланганда биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш тадбирлари билан таништириш бўйича маълумотларига эга эканлиги аниқланади ва баҳоланади.

Ўзбекистон Республикасида ўлкашунослик ва туристик тушунчалар, табиатни муҳофаза қилиш

Сайрларда ўлкашунослик ва қидирув ишлари. Метеорологик кузатишлар: Ҳаво яхши бўлишнинг белгилари.

Об-хаво тузилишининг белгилари, Топографик кузатишлар, Геологик кузатишлар, ер тузилишининг ўрганиш, Гидрологик кузатишлар, Ботаник ва зоологик кузатишлар, Феналогик кузатишлар, Темир йўл, сув ва хаво йўллари, Дарё ва денгиз йўллари, Табиатни муҳофаза қилиш маълумотларига эга эканлиги аниқланади ва баҳоланади.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятлари ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади.

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- топографик чизмани чизиш ва маршрут бўйича юриш вариантларини ишлаб чиқиш;
- махсус адабиётлар бўйича мавзулар устида ишлаш;
- туризмда ишлатиладиган спорт анжомларини ўрганиш;
- талабанинг ўқув – илмий – тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- масофавий таълим.

Тавсия этиладиган мустақил ишларнинг мавзулари:

- Туризм турларининг классификацияси: сайр қилиш, экскурсия, походлар, тайёргарлик походлари, экспедиция, хаваскорлик саёхатларини аҳамияти.

- Жисмоний тарбия тизмида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг жисмоний тайёргарлиги, саломатлик даражасини аниқлашда “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари меъёрий дастурини аҳамияти.

- Туризм бўйича разрядлар ва тоифа (категория) қийинчилиги. Саёхатлар сони ва мазмуни.

Саёхатларнинг қийинчилик тоифаларини (категорияларини) аниқлаш белгилари.

- Пиёда юриш туризм.
- Тоғ туризми (масофалар ҳақида тушунча).
- Касб-хунар коллеж, академик лицей, умумтаълим мактабларда туризмнинг аҳамияти. Ўлка шунослик ва ижтимоий фойдали ишлар.
- Техника тушунчаси: пиёда юриш саёхатини ташкил қилиш ва ўтказиш, йўлда юриш қоидалари.
- Туристтик сайрларни ташкил қилиш ва уни яқунлашда ўқувчининг роли.
- Сайрларда ҳар хил тадбирларни ўтказиш.
- Жароҳатланганда биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш тадбирлари.
- Сайрларда ўлкашунослик ва қидирув ишлари.

Метеорологик кузатишлар: Хаво яхши бўлишнинг белгилари.

- Баландликка чиқиш, тушиш, чодирларни тез ўрнатиш, рюкзакка керакли буюм ва жихозларни жойлаш, овқат пишириш кабилар бўйича эстафеталар ташкил қилиш, деворий газета тайёрлаш, расмлар кўргазмасини намойиш этиш.

- Видео тасмаларига тушириш ҳамда буклетлар тайёрлаш.

Дастурнинг информатсион - услубий таъминоти

Туризм ва уни ўқитиш методикаси фанини ўргатиш ҳамда ўзлаштиришда янги педагогик технологиясидан (кластер, бумеранг, занжир, торози, ечим дарахти), замонавий техника воситаларидан, кўргазмали куруллардан, мусикалардан, видеокассеталардан кўрсатиш ва бошқалардан фойдаланишни ўргатилади.

Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Абдумаликов Р., Холдоров Т. Туризм “Ўқитувчи” Тошкент., 1999 й.
2. Холдоров Т., Туленова Х.Б Туризм ва уни ўқитиш методикаси , ТДПУ босмахонаси, Тошкент., 2007 й
3. Туленова Х.Б ., Холдоров Т Туризм - сайёхлик “Иқтисод -молия” Тошкент., 2010 й

Қўшимча адабиётлар

1. Туленова Х, Мирсагатов Б Умумтаълим мактабларида дарсдан ташқари тадбирларнинг хусусиятлари. Илмий мақола “Педагогик таълим” жур. № 4 сони Тошкент ТДПУ 2005 йил
- 2.Холдоров Т., Туленова Х, К.Рахимкулов Жисмоний маданият, жисмоний тарбия, спорт, туризм, халқ миллий уйинларининг назарий ва амалий асослари. Методик қўлланма ТДТУ босмахонаси, 2007, услубий қўлланма
- 3.Туленова Х.Б. Талабалар таълим-тарбия жараёнида “Буюк ипак йўли” ҳақида. Актуальные проблемы туризма-2010 ежегодный сборник научных трудов. Выпуск 2. Тошкент-2010